

СУДЛАРДА РАҚОБАТГА ДОИР ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15638050>

Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон ўғли

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

SOME ISSUES OF CONSIDERING COMPETITION CASES IN COURTS

Egamberdiev Feruzbek Asqarjon o'g'li

*Independent researcher
of Tashkent State University of Law*

Аннотация

Ушбу мақолада рақобатни кучайтириш ва уни қўллаб қувватлаш давлат сиёсати даражасида олиб борилаётканлиги очиб бериоган. Шунингдек, айrim рақобатга доир атамаларга назарий қарашлар ўрганиб чиқилди. Рақобатга доир ишларни кўриб чиқишидаги судга таалуқлик масаласи ўрганиб чиқилган. Маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан кўриладиган рақобатга доир ишларнинг ўзига хослиги очиб берилган.

Калит сўзлар

Рақобат, маъмурий суд, иқтисодий суд, инсофсиз рақобат, юридик шахслар, хўжалик бошқарув органлари, «Ўзбекистон – 2030» Стратегияси.

Аннотация

В данной статье раскрывается тот факт, что усиление и поддержка конкуренции проводится на уровне государственной политики. Также рассмотрены теоретические подходы к отдельным терминам, связанным с конкуренцией. Изучен вопрос подсудности дел, касающихся споров о конкуренции. Раскрывается специфика дел о конкуренции, рассматриваемых административными и экономическими судами.

Ключевые слова

конкуренция, административный суд, экономический суд, недобросовестная конкуренция, юридические лица, органы хозяйственного управления, Стратегия «Узбекистан – 2030».

Abstract

This article highlights that the promotion and strengthening of competition is being carried out at the level of state policy. Theoretical perspectives on certain competition-related terms are also explored. The issue of jurisdiction in cases related to competition law has been examined. The specifics of competition cases considered by administrative and economic courts are revealed.

Keywords

competition, administrative court, economic court, unfair competition, legal entities, economic management bodies, "Uzbekistan – 2030" Strategy.

Хозирги замонавий иқтисодий муносабатлар тез суръатларда ривожланиб, глобаллашув жараёнлари чукурлашиб бораётган бир пайтда, монополияга қарши сиёсат ва эркин рақобатни таъминлаш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бозор иқтисодиётидаги тезкор ўзгаришлар шароитида рақобатни чекловчи ва монопол ҳолатлар яратишга қаратилган харакатларга қарши курашиш масалалари нафакат илмий доираларда, балки хуқуқни қўллаш амалиётида ҳам долзарб мавзулардан бирига айланган.

Бундай хукуқбузарликлар юзасидан юзага келадиган хукукий низоларни ҳал этишда маъмурий судлар муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, маъмурий судларда рақобатга оид ишларни кўриб чиқишининг хукукий-амалий хусусиятларини таҳлил қилиш, бу соҳадаги хукукни самарали татбиқ этиш механизmlарини яхшироқ тушунишга хизмат қиласди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддаси, 1-қисмига кўра, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шартшароитлар яратади, истеъмолчиларнинг хукуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди⁹.

Мазкур конуний норма мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини шакллантиришда адолатли рақобатнинг ўрнини мустаҳкамлайди. Рақобат эса нафакат самарадорлик ва инновацияни қўллаб-қувватлаш воситаси, балки бизнес муҳитида адолат ва ижтимоий масъулиятни таъминлаш механизми сифатида ҳам намоён бўлади.

Бундан ташқари, ушбу мавзунинг долзарблигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон – 2030» Стратегияси тўғрисида» ги Фармонига кўра, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

фаровонлигини таъминлашга қаратилган харакатлар стратегиясида қўйидаги йўналиш белгиланган: “пул-кредит, фискал ва ташқи савдо сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда товар ва хизматлар бозорида рақобат мухитини яхшилашга қаратилган таркибий ислоҳотларни давом эттириш орқали 2030 йилга бориб йиллик инфляцияни 5-6 фоиз даражасида таъминлаш¹⁰”.

Шунингдек, ушбу фармонда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида, «Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти» гояси асосида миллий брендларни хорижий бозорларга олиб чиқадиган экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш стратегияси белгилаб қўйилган¹¹.

2030-йилгача йиллик инфляция даражасини 5-6 фоизга етказишга қаратилган стратегияда ушбу мақсадга эришишнинг асосий механизмларидан бири сифатида товар ва хизматлар бозорида рақобат мухитини яхшилаш муҳимлиги таъкидланган. Рақобат мухитини яхшилашга эътибор бозор механизмларини инфляция жараёнларини тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш воситаси сифатида эътироф этишга урғу беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра, **ракобат** – хўжалик юритувчи субъектларнинг (ракобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил харакатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди¹².

Ушбу модда доирасида рақобат тушунчаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобат сифатида ифодаланади, бунда уларнинг мустақил стратегиялари ҳар бирининг товар ёки молия бозорларида товар айланнишининг умумий шартларига бир томонлама таъсир кўрсатиш имкониятини истисно қиласи ёки чеклайди. У рақобатчиларнинг ўзаро таъсирининг динамик хусусиятини таъкидлаб, иқтисодий тизимда товар айланмасини тартибга солиш турли хўжалик субъектларининг ўзаро таъсири ва рақобати асосида амалга оширилишини таклиф қиласи.

Ушбу концептуал ёндашув рақобатни нафақат рақобат ходисаси, балки инновацияларни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва савдо жараёнларининг

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/6518381>

самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш сифатида қараш зарурлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, рақобат иқтисодий мухитни шакллантирувчи ва субъектларни оптимал стратегияларни излашга ундейдиган динамик омил сифатида қаралади, бу еса охир оқибат натижада бозор муносабатларининг хилма-хиллиги ва сифат жиҳатидан ривожланишига ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, рақобатни бундай тушуниш рақобатчиларнинг манфаатларини ҳам, товар ва молия бозорлари фаолиятининг умумий шартларини ҳам ҳисобга оладиган мувозанатли ва самарали тартибга солиш зарурлигини таъкидлайди.

Россия Федерациясининг “Рақобатни ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Федерал Қонунининг 4-моддасига күра, рақобат - хұжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобат, бунда уларнинг ҳар бирининг мустақил ҳаракатлари уларнинг ҳар бирининг тегишли маҳсулот бозорида товар айланишининг умумий шартларига бир томонлама таъсир күрсатиши қобиلىятини истисно қиласы өки чеклайди¹³.

Рақобат тушунчаси ва моҳияти турли иқтисодий мактабларнинг таниқли вакиллари томонидан ўрганилган. Классик сиёсий иқтисод рақобатни жамиятнинг иқтисодий соҳасидаги фаолликни рағбатлантирувчи куч сифатида қаради. Бу қараш Адам Смит асарларида янада ривожланиб, еркин рақобат доирасида индивидуал товар-пул муносабатларини абстрактлаштирган. Унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш” асарида иқтисодиётнинг бозор ўзини-ўзи тартибга солиш механизми бўлган “кўринмас қўл” тушунчаси киритилган. Смитнинг фикрича, еркин бозор иқтисодиёти шароитида индивидлар ўз манфаатларига ергашиб, гўё бозорнинг кўринмас қўли билан бошқариладигандек ҳаракат қиласидилар, бу еса онгсиз равишда жамиятнинг бошқа аъзолари ва бутун жамият манфаатларини амалга оширишни таъминлайди.

Британиялик иқтисодчи ва сиёсий арбоб Дж. Милль фикрича, рақобат нархлар, иш ҳақи ва ижаранинг ягона регулятори еканлигини ҳисобга олсак, унинг ўзи бу тартибга солиш қоидаларини белгилаб берувчи қонундир¹⁴.

Шунингдек Б.А. Райзбергнинг таъкидлашича, рақобат - бу ҳар қандай иқтисодий, бозор субъектлари ўртасидаги рақобат, юқори даромад, фойда ва бошқа фойда олиш учун товарларни сотиш бозорлари учун кураш¹⁵.

¹³ Россия Федерациясининг “Рақобатни ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Федерал Қонуни. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61763/

¹⁴ Милль Дж. Основы политической экономии. Т.1. М.: Прогресс, 1980, 394 с.

¹⁵ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. 2-е изд, испр. М.: Инфа-М, 1998. С. 152.

Ермолов М.Г. ва Набиевларнин Р.А. фикрича: “Айрим иқтисодчиларнинг ишларида рақобат тушунчасига таъриф берилиганини ҳам таъкидламоқчимизки, бу таъриф ташкилотнинг рақобатчиларни сиқиб чиқариш ва улардан қутилишдаги фаолияти билан тавсифланади. Бироқ, биз бу нуқтаи назарга тұлық құшила олмаймиз. Бизнинг фикримизча, рақобат рақобатчиларни тұлық сиқиб чиқаришни эмас, балки бозорнинг маълум бир қисмини эгаллашни назарда тутади. Ҳеч бұлмаганда бозордаги кураш рақобатчиларни йүқ қилиш мақсадида амалга оширилмайды бу, аксинча, баъзи ҳолларда интилиш эмас, балки оқибатдир¹⁶”.

Юқорида келтирілган Ермолов М.Г. ва Набиев Р.А.ларнинг фикрига құшилишимизни билдириб үтишимиз лозим. Шунингдек, рақобат бозордаги кураш рақобатчиларни йүқ қилиш мақсадида амалга оширилмаслиги, аксинча буни оқибат сифатида құришлари ҳақиқатта яқин эмас, чунки ҳар қандай тадбиркор субъекти үз даромадини максимал даражада оширишга ҳаракат қиласы да шу мақсадда рақобатчиларни кувиб үтишга бор кучини сарфлайди.

Аммо, баъзи тадбиркорлик субъектларининг тұғридан тұғри үз рақобатчиларини тақиқланған йұллар билан бозордан чиқарып юборишга ҳаракат қилишлари мүмкун. Бундай феномен, инсофсиз рақобат дебномланади, ва у хұжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонунчиликка, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хұжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) заарар етказадиган ёки заарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардир¹⁷.

Инсофсиз рақобат - бу бозордаги үрин учун адолатли рақобат қонунлари ва тамойилларини бузиш амалиётидир. Ушбу ҳодисанинг бир қисми сифатида корхоналар нотұғри реклама, маҳсулот ёки хизматларни нотұғри кўрсатиши, товарлар нархини паст рентабеллик даражасига кўтариш ва рақобатчиларни четлаб үтишга ёки уларнинг бозордаги ролини минималлаштиришга қаратилган бошқа ҳаракатларга мурожаат қилишлари мумкин. Инсофсиз рақобат еркин ва очик бозор тамойилларини бузади, шунингдек, истеъмолчиларга ва умуман иқтисодий муҳиттега салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

¹⁶ Ермолов М. Г., Набиев Р. А. Теоретические аспекты понятия «конкуренция» //Вестник Удмуртского университета. Серия «Экономика и право». – 2014. – №. 4. – С. 37-41.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тұғрисида”ти Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/6518381>

Айрим масалалар. Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги Кодекснинг 27²-моддасига кўра рақобат тўғрисидаги ишларнинг судга таалуқлиги бўйича қўйидаги мазмунда норма келтириб ўтилган: “Рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланади¹⁸”

Ва ҳудди шу мазмундаги судга таалуқлиги бўйича норма Иқтисодий процессуал Кодексининг 30²-моддасини келтириб ўтилган. Яъни, юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киради¹⁹.

Натижада эса мантиқий савол келиб чиқяпти, яъни рақобатга доир низоларнинг судга таалуқлиги бўйича қайси судга мурожаат қилиш лозим? Маъмурий судгами ёки Иқтисодий судгами?

Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, рақобат тўғрисидаги низоларнин деярли барчаси Монополияга қарши қурашиш қўмитасининг қарорлари устидан берилган аризаларни ташкил қиласди, бундан кели чиқадики судга таалуқлиги бўйича рақобатга доир низоларни Маъмурий суд ҳал этиши лозим, чунки Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси 1-қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар таалуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга таалуқли ишлар мустасно²⁰.

Монополияга қарши қурашиш қўмитаси давлат органи бўлиб, унинг рақобат тўғрисидаги ишлар доирасида қабул қиласиган қарорлари маъмурий ҳуқуқий муносабат деб ҳисобланади.

Шу сабабдан, монополияга қарши қурашиш қўмитаси ва хўжалик юритувчи субъектларининг ўртасида юзага келадиган ҳар қандай низолар

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси.
<https://lex.uz/docs/3527353>

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3523891>

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси.
<https://lex.uz/docs/3527353>

судга таалуқлиги бүйича Маъмурий судга тегишлилигини белгилаб ўтишимиз лозим.

Таклиф. Иқтисодий процесдуал кодексининг 30²-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш лозим: “Юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ~~ҳамда монополияга қарши орган~~ ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатта оид ишлар жумласига киради.”

Маъмурий судларда рақобатга доир низолар хўжалик юритувчи субъектлар ва монополияга қарши қурашиш давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қиласа, иқтисодий суд эса юридик шахслар ва умуман хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган рақобатга доир низоларни ҳал этади. Шу қаторда, иқтисодий судга таалуқлигидан ушбу нормани олиб ташлай олмаймиз, чунки ҳар қандай фуқаро шу қаторда юридик шаҳс ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга тўғридан тўғри мурожаат қилиш ҳукуқидан маҳрум эта олмаймиз.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
<https://lex.uz/docs/6445145>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон – 2030» Стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Raқobat tўғrisida”ги Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/6518381>;
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси. <https://lex.uz/docs/3527353>;
5. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процесдуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3523891>;
6. Россия Федерациясининг “Raқobatni ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Федерал Қонуни.
https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61763/;
7. Миль Дж. Основы политической экономии. Т.1. М.: Прогресс, 1980, 394 с.;
8. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. 2-е изд, исправл. М.: Инфа-М, 1998. С. 152.;

9. Ермолов М. Г., Набиев Р. А. Теоретические аспекты понятия «конкуренция» //Вестник Удмуртского университета. Серия «Экономика и право». – 2014. – №. 4. – С. 37-41.